

**«Ўзаэронавигация» Маркази Давлат Унитар Корхонасининг
Бизнес-режасини бажарилиши тўғрисида
МАЪЛУМОТ
Ҳисобот даври: 2020 йил январь – декабрь**

1. Ишлаб чиқариш қуввати:

«Ўзаэронавигация» Маркази Давлат Унитар Корхонасининг асосий ишлаб чиқариш кўрсаткичи бу ҳаво кемаларига аэронавигацион хизматларини кўрсатишдан иборатдир:

Прогноз – **55 070** та Ҳаво Кемаси

Факт – **53 615** та Ҳаво Кемаси

Бажарилмаслик – 2,64%

Бажарилмаслик сабаби: «Ўзаэронавигация» Маркази Давлат Унитар Корхонаси ҳаво кемаларига аэронавигацион хизмат кўрсатишни амалга оширади. Давом этаётган «COVID-19» пандемияси туфайли авиакомпаниялар мунтазам рейсларни амалга оширмаяпти, кўпгина дунё давлатларининг чегаралари ёпиқ.

2. Пул кўринишида ишлаб чиқариш ҳажми:

Кўрсаткичлари	Прогноз (минг. сўм)	Факт (минг. сўм)	Оғиш (%)
Жами ишлаб чиқариш ҳажми, шу жумладан	178 895 753	193 377 790	108
Ҳаво кемаларига аэронавигацион хизматни тақдим этилиши	171 739 923	183 516 185	107
Ўзга хизматлар	7 155 830	9 861 605	138

3. Молиявий кўрсаткичлар:

Кўрсаткичлари	Прогноз (минг. сўм)	Факт (минг. сўм)	Оғиш (%)
Жами даромад, шу жумладан	212 521 507	220 521 507	103,78
Соф даромад	178 895 753	193 377 790	108,1
Асосий фаолиятдан ўзга даромадлар	611 114	2 301 118	376,54
Молиявий фаолиятдан олинган даромадлар	32 973 364	24 842 599	75,34
Таннарх	96 974 508	79 326 213	81,8
Жами давр харажатлари, шу жумладан	31 995 312	34 681 457	108,4
Амалга ошириш бўйича харажатлари	-	-	-
Маъмурий харажатлар	3 303 082	3 382 769	102,41
Ўзга операцион харажатлар	28 692 230	31 298 688	109,08
Молиявий фаолият бўйича харажатлар	104 199 745	113 087 751	108,53
Соф фойда / зарар	(-) 20 689 334	(-) 6 575 168	31,78

«Covid-19» пандемияси «Ўзаэронавигация» Маркази Давлат Унитар Корхонасининг фаолиятига салбий таъсирини кўрсатди.

Хизматларни сотишдан олинган соф даромад прогнозга нисбатан **8,1%** га ошди. Авиацион катнови аста-секин ўсиб бормоқда. Бироқ, мунтазам рейслар тикланмаган, юк ташиш ва чартер рейслари бажарилмоқда. Бундан ташқари, Европа ва Россияда карантин чораларини кучайтириш яна эълон қилинади. *Бу ҳаво қатновига чекловлар киритилишига олиб келиши мумкин деган хавотир бор.*

Таннарх, прогнозга нисбатан **18,2 %** га камайди. Харажатлар таннархларни пасайишининг сабаби: корхона томонидан «COVID-19», пандемияси шароитида харажатларни оптималлаштириш дастурини ишлаб чиқди, унга мувофиқ:

- корхона таркибий бўлинмаларининг ишлаш режими ва сменали ишлаш жадваллари қайта кўриб чиқилди;
- корхонанинг ходимларига меҳнат таътиллари ва иш ҳақи сақланмаган ҳолдаги таътиллار берилмоқда;
- ходимларни тўлиқ бўлмаган кун / ҳафтасига ўтказилиши назарда тутилган;
- меҳнатга ҳақ тўлаш тизими оптималлаштирилган (устама ва кўшимча ҳақ тўловларини тўланиши тўхтатилди);
- хизмат сафарлари тўхтатилди,
- парвозлар хавфсизлиги билан тўғридан-тўғри боғлиқ бўлмаган, товарлар ва хизматларни харид қилиш тартиботи тўхтатилди;
- объектларини капитал ва жорий таъмирлаш ишлари тўхтатилди.

Даврлар бўйича харажатлар прогнозга мувофиқ **8%** га ўсди.

Молиявий фаолият бўйича Харажатлар - валюта курсларининг ўсиши **8,53%** га ўсди.

Прогнозга кўра (-) **20,69** миллиард сўм зарар режалаштирилган эди. Бироқ, ишлаб чиқариш ва молиявий фаолият натижаларига кўра корхона зарарни (-) **6,58** миллиард сўмгача камайтирди.

4. Солиқлар:

Кўрсаткичлар	Прогноз (минг. сўм)	Факт (минг. сўм)	Оғишлар (%)
Жами солиқлар ва бюджетга мажбурий тўловлар, шу жумладан:	2 625 594	11 726 257	446,61
Даромад солиғи	0	0	0
ҚҚС	(-) 4 070 390	(-) 3 298 264	81,03
Акциз	-	-	-
ЕСП	6 000 916	3 488 320	58,13
Ер ости бойликларидан фойдаланганлик учун солиқ	-	-	-
Бошқалар	695 068	11 536 201	1 659,72

5. Соф фойдани тақсимлаш прогнози:

Номланиши	Прогноз (минг. сўм)	Факт (минг. сўм)	Оғишлар (%)
Соф фойда	(-) 20 689 168	(-) 6 575 168	31,78
Жами дивидендлар тўловига,	0	0	0

Номланиши	Прогноз (минг. сўм)	Факт (минг. сўм)	Оғишлар (%)
шу жумладан.:			
Давлат улуши бўйича	0	0	0
Улардан тўланмагани	0	0	0
Захира фондига	0	0	0
Корхонани ривожлантиришга	0	0	0
Бошқалар	0	0	0

«Совид-19» пандемияси таъсирида корхона фойдасизлиги сабабли соф фойда тақсимланиши мумкин эмас.

6. Қарздорлик:

Номланиши	Ҳисобот даври бошига (минг. сўм)	Режа (минг. сўм)	Ҳисобот даври охирига (минг. сўм)	Улардан муддати ўтган (минг. сўм)
Дебиторлик қарздорлиги	110 943 649	83 340 747	83 708 368	734 144
Кредиторлик қарздорлиги	31 394 876	57 791 490	52 537 810	0

Муддати ўтган дебиторлик қарзлари Ўзбекистон Республикаси ҳаво ҳудудида транзит рейсларини амалга оширувчи хорижий авиакомпанияларга кўрсатилган аэронавигацион хизматлари учун, тўловларини тўламаганлиги натижасида юзага келди.

Кўрсатилган хизматлар учун тушумларнинг олинмаслиги авиакомпанияларнинг банкротлиги, Авиакомпания эксплуатанти Сертификатидан маҳрум қилиниши, ҳаво кемаларининг лизинг шартномасини тугаши, авиакомпаниянинг парвозлар географиясининг ўзгариши ва авиа офатлари билан боғлиқ.

«Ўзаэронавигация» Маркази Давлат Унитар Корхонаси мавжуд бўлган муддати ўтган дебиторлик қарзларини бартараф этиш учун қуйидаги чораларни кўрмоқда:

- қарздор авиакомпанияларга аэронавигацион хизматларини кўрсатиш тўхтатилмоқда;
- қарздор - авиакомпанияга нисбатан даъволар қўйилмоқда;
- авиакомпаниялари қарздор бўлган давлатларнинг Авиация маъмурияти билан ёзишмалар олиб борилмоқда;
- Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги, авиакомпаниялари қарздор бўлган мамлакатларнинг элчихоналари ва консулликлари, муддати ўтган дебиторлик қарзларини қайтариш масаласини ҳал қилишда ёрдам бериш учун жалб қилинмоқда.

7. Ташқи қарз:

Номланиши	(01.01.2020й.) даври бошланишига қолдик	Олинди (минг. АҚШ доллари)	Қайтарилди (минг. АҚШ доллари)	(01.10.2020й.) даври охирига қолдик
Корхонанинг ташқи қарзи, шу жумладан:	34 073	-	5 605	28 468
Далат қафолати остида	34 073	-	5 605	28 468
Далат қафолатисиз, шу жумладан:	-	-	-	-
Бўйсунувчи ташкилотлар қафолати	-	-	-	-
Корхонани ўз қафолати остида	-	-	-	-
Ўзга ташкилотларнинг қафолати	-	-	-	-

Корхона Самарқанд, Бухоро, Урганч аэропортлари ҳаво кемалари парвозларини таъминлаш радиотехника асбоб-ускуналарини модернизация қилинишига «Ўзбекистон ҳаво йўллари» МАК ва «Аления Маркони Системз» (Италия) ўртасида тузилган, контракт бўйича кредит мажбуриятларига эга. Контрактни молиялаштириш ҳукумат қафолати остида ўтказилган: Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлигининг **17.12.1996** йилдаги **UZB-P3** ва **14.12.1996** йилдаги **UZB-P5** ва JBIC (Япония) банки контрактлари. У с к у н а л а р **2000** й и л д а и ш г а т у ш и р и л г а н .

Кредит муддатини кечиктирилиши **2006 йил 20 декабргача** берилган эди.

Кредит бўйича ҳисоб-китоблар тўловлар жадвали бўйича **2026** ва **2029** йилларгача амалга оширилади.

2020 йилда тўлов жадвали бўйича **5,6 миллион АҚШ доллари** миқдорида тўловлар тўланди.

8. Корхонанинг ташқи савдо ва ташқи молиявий фаолияти:

Кўрсаткичлари	Прогноз (минг. АҚШ доллари)	Факт (минг. АҚШ доллари)	Оғиш (%)
Экспорт ҳажми	16 020	15 893	99,21
Импорт ҳажми	11 470	11 240	98
Савдо баланси (экспорт ва импорт ўртасидаги фарқ)	4 550	4 653	102,26
Валюта талаби	0	0	-

9. Самарадорликнинг асосий кўрсаткичлари:

№	Кўрсаткичлар	Меъёр	Солишти рма микдор (%)	Прогноз	Факт	Бажари лиш фоизи (%)	КПЭ C*F/10 0
	A	B	C	D	E	F	G
1.	Активлар рентабеллиги	0,05	10	(-)0,04	(-)0,01	25	3
2.	Абсолют ликвид коэффициенти	0,2	25	0,51	0,22	43	11
3.	Молиявий мустақиллик коэффициенти	1,0	25	5,85	3,67	63	16
4.	Кредитор қарздорлик кунлик айланма қайтиши	< 90	5	72	45	160	8
5.	Дебитор қарздорлик кунлик айланма қайтиши	< 90	5	106	184	58	3
6.	Қониқтириш (тўлов қобилияти) коэффициенти	0,2	30	2,51	2,11	84	25
	Жами:		100,00				65

11. Инвестицион лойиҳалари:

Инвестицион лоийҳаларни номланиши	Ўлчов бир.	Инвес- тиция ҳажми	Молиялаштириш манбаи		йил			Лойиҳани бошланиши билан ўзлаштириш		
			Қорхонанинг ўзига тегишли маблағлари	Ташқи манбалар	режа	факт	%	режа	факт	%
Тошкент, Урганч, Самарқанд, Бухоро шаҳарларида ҳаводаги ҳаракатни бошқариш Автоматлаштирилган Тизимни модернизация қилиш	минг. АҚШ дол- лари	7 743	7 743	-	390	390	77,44	7743	7743	100
Самарқанд аэропортида ҳаво кемалари парвозларини радиотехника асбоб- ускуналарини реконструкция қилиш	минг. АҚШ дол- лари	10 057	10 057	-	9245	7944	85,93	9610	8576	89
Тошкент аэропортига	минг. АҚШ	1 380	1 380	-	480	308	64,27	750	308	41

масофани аниқловчи радиомаёкли қўниш тизимининг радиомаёк қурилмасини сотиб олиш ва ўрнатиш	дол- лари									
Термиз аэропортига масофани аниқловчи радиомаёкли қўниш тизимининг радиомаёк қурилмасини сотиб олиш ва ўрнатиш	минг. АҚШ дол- лари	600	600	-	-	180	0	180	0	-

Корхонанинг инвестицион лойиҳалари давлат инвестицион лойиҳаларига киритилмаган. Инвестицион лойиҳалари ҳаво кемаларини ҳаводаги ҳудудида ва Ўзбекистон Республикаси аэродромларига қўниш билан парвозлар хавфсизлигини таъминлашга қаратилган.

Режалаштирилган чора-тадбирларнинг бажарилмаслиги «Covid – 19»: пандемияси билан боғлиқ: ҳамкор давлатлардаги карантин, давлатларда чегараларнинг ёпилиши (шу жумладан, Ўзбекистон Республикасида), ҳаводаги қатновининг кескин қисқариши ва шунга мувофиқ «Ўзаэронавигация» Маркази Давлат Унитар Корхонасида даромадларининг кескин пасайиши, асбоб-ускуналарни ўрнатишни амалга ошириш учун мутахассисларни келиши ва асбоб-ускуналарни етказиб беришни кейинга қолдиришга олиб келди.

13. Иш жойлари:

Кўрсаткичлари	Сони
Ходимларнинг умумий сони, шу жумладан:	1 434
Марказий аппарат ходимларининг сони	113
Улардан, маъмурий бошқарма ходимлари	47
Тузилмага кирувчи, корхоналарнинг ходимларини сони	1 321

«Ўзаэронавигация» Маркази Давлат Унитар Корхонасининг Бизнес-режаси тўғрисидаги маълумотлар очик ва <https://kpi.davaktiv.uz/bussines> Давлат активларини бошқариш Агентлигининг сайтига жойлаштирилган.



(Handwritten signature in blue ink)

А.Х.Ашуров

Н.А.Ананова

Ижрочи. ЎАНМ ДУК РИБ Бошлиги
Е.А.Шишмакова
Тлф. (78) 140 27 55